

“ТАСДИКЛАЙМАН”  
Тошкент вилояти статистика  
бошқармаси бошлиғи в.б  
А.А.Каримджанов

15 Октябр 2017 йил

## Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлими тўғрисида

### НИЗОМ

#### 1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тошкент вилояти статистика бошқармаси Ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент вилояти статистика бошқармаси (кейинги ўринларда Вилоят бошқармаси деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, "Тошкент вилояти статистика бошқармаси тўғрисида"ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим кичик тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича фаолиятини Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, Тошкент вилояти статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунди.

## 2 боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, замонавий статистика стандартларига жавоб берадиган самарали статистика тизимини шакллантириш;

б) илмий асосланган, бозор иқтисодиёти асосий талабларига жавоб берадиган ягона статистика методологиясини ҳамда миллий рақамларни тузишни таъминловчи статистика стандартларига мувофиқ бўлган кўрсаткичлар тизимини жорий этиш;

в) вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисобот кўрсаткичларнинг тезкорлигини, ишончлилигини, ҳолислигини ва изчиллигини таъминлаш, статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно қилувчи тизимини таъминлаш;

г) вилоят бўйича ижтимоий иқтисодий ходисалар ва жараёнлар тўғрисида статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилишни амалга ошириш;

д) вилоят ҳудудлари ва тармоқларида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларининг, ижтимоий иқтисодий масалалар бўйича Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларининг бажарилиши юзасидан статистика кузатувларини амалга ошириш;

е) Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва ҳалқаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистика ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаш;

ж) статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатиш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг вилоятдаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш, статистика ахборот ресурсларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва ахборот ҳисоблаш тизимини руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш;

з) статистика органлари кадрлари малакасини изчил асосда оширишни таъминлаш, хўжалик шартномалари асосида корхоналар ва ташкилотларга ахборот ҳисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажариш.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари Дастури ҳамда ишбилармонлик муҳити кузатувлари, тадбиркорликни ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси ҳисоботлари ва кузатувлари бўйича белгиланган ишларнинг тўлиқ ва муддатларида бажарилишини таъминлайди;

тадбиркорлик истиқболли ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо бўйича истиқболли таклифлар ишлаб чиқади, Давлат статистика ишлари дастурининг мазмунини доимий равишда такомиллаштириб бориш, унинг мамлакат ва ҳудудларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши, таркибий ва бозор ислохотлари, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ислохотларнинг боришини тавсифловчи тегишли мақсадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган ишларда иштирок этади;

тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият соҳаси бўйича давлат статистика кузатувлари шакллари ишлаб чиқишда иштирок этади, статистик ҳисобот шаклларидаги бир бирини такрорловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва тугатишни, турли кузатув шаклларининг мослигини мақбуллаштириш бўйича таклифлар тайёрлашни амалга оширади, идоравий статистика кузатувларини экспертиза қилиш ва келишишни таъминлашда иштирок этади;

статистика кузатувлари дастурларининг самарали амалга оширилишини, статистика ахборатларини қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш ва тарқатишни таъминлайди;

Давлат статистика ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдиришга доир йўриқномаларни доимий ўрганиб боради ва белгиланган тартибда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

Вилоят худудлари ва тармоқларида рўй бераётган ижтимоий иқтисодий жараёнларни комплекс таҳлил қилиш учун статистика кўрсаткичларининг ахборот тизимини таъминлайди:

Вилоятдаги тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ислохотларнинг боришини, фаолият юритаётган кичик корхона ва микро фирмалар, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятлари статистика кузатувларини амалга оширади, вилоятдаги энг муҳим иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ва ходисаларнинг дастлабки статистик таҳлилни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан, электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

### 3 боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо фаолияти бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, банклардан, бошқа юридик шахслардан (зарур ҳолларда – уларнинг ваколатхоналари ва филиалларидан) белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

Бошқарманинг таркибий бўлинмаларидан ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун мажбур:

ўзига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада ва самарали бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси тамойилларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

#### 4 боб. Бўлимнинг таркиби

10. Бўлим таркибига бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, иккита бош ва бешта етакчи мутахассис ҳамда биринчи тоифали мутахассислар киради.

11. Бўлим иш фаолиятига бевосита бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош мутахассис, етакчи мутахассис ва биринчи тоифали мутахассислар бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

#### 5 боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

13. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, бошқарманинг иш режалари бўлимнинг иш режаси ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

#### 14. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, бўлим ходимлари ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Бошқарманинг йиғилишлари ва мажлисларида қатнашади;

Бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига биноан таҳлилий ва умумлаштирувчи материаллар тайёрлайди, қўйилган вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Бошқарманинг ва бўлимнинг жорий ва истиқбол иш режаларига мувофиқ бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича таҳлилий ва бошқа материалларни ўз вақтида тизимли асосда тайёрланишини таъминлайди;

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, режалар ва дастурлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертиза қилишда, шунингдек уларнинг давлат статистикасига тегишли қисмини ижро этишда иштирок этади;

Бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бўлим ходимлари билан олдига қўйилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари бўйича йўриқнома йиғилишлар ўтказлади;

Тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича (кузатув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш) статистик инструментарийларни шакллантирилишини, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият соҳаси бўйича тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрланишини ташкил этади;

Иш юритишни олиб бориш, топшириқларни ўз вақтида ижро этилишини қатъий назорат қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш, ходимлар томонидан хизмат ҳужжатлари билан ишлаш ва уларни сақлаш бўйича ишларнинг белгиланган тартибига амал қилинишини таъминлайди.

Бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва бошқарма раҳбариятига киритади;

Вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **15. Бўлим бошлиғи ўринбосари:**

Бўлим бошлиғи йўқлигида унинг вазифалари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;

Тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо статистикаси бўйича (кузатув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш) статистик инструментарийларни шакллантирилишини, тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва савдо соҳаси бўйича бюллетенлар, тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрланишини ташкил этади;

Бўлим бош мутахассиси ишларига амалий ёрдам кўрсатади ва унинг йўқлигида унинг вазифасини бажаради;

Вилоятда ўтказилаётган иқтисодий ижтимоий ислоҳатларнинг асосий кўрсаткичларини комплекс таҳлил қилади;

Шаҳар ва туман статистика бўлимларида статистик таҳлил ишларини олиб борилишини текширади ва амалий ёрдам беради;

Бошқарманинг бошқа бўлимлари билан ҳамкорликда бошқарманинг иш режаларини ишлаб чиқади ва ушбу режаларнинг бажарилишини доимий назорат қилади;

Вилоят бўйича кутилаётган ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлар билан шуғулланади;

Вилоят статистика бошқармасининг бўлимга тегишли вазифалари бўйича вилоятнинг бошқа бошқармалари билан белгиланган тартибда маълумотлар алмашинувини таъминлайди;

Бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур